

"Томчи" мобил иловаси танлови

Хабарингиз бор Республика миқёсида ўтказилаётган "Томчи" мобил иловаси танлови барча айти шу соҳада меҳнат қилаётган, та'лим олаётган ёшларнинг доимий иштирок этишни истаган, қизиқаётган соҳасига айланди десак, адашмаган бўламиз. Жорий йилнинг феврал ойида "Томчи" мобил иловаси танлови 1-босқичи бўлиб ўтган бўлса, бугун Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтида эса 2-босқичи ғолибларини тақдирлаш тадбири бўлиб ўтди.

Талаба-ёшлар ва иштирокчилар учун 300 кишилик мазали ширинлик ва таомларга бор кофе-бреак ташкил этилди ҳамда тарқатилди. Тадбирни "Гидромелиорация" факултети декани А.Фатхуллаев очиб берди ҳамда келган меҳмонларга сўз берилди. "Томчи" мобил иловаси танлови 2-босқичи ғолиблари тақдирланди. Келган меҳмонлар ва ташкилот ҳамда идора вакиллари ғолиб бўлган талаба-ёшларни, ходимларни чин дилдан муборакбод этишди.

Энг қувонарлиси институтимиз ва институтимизнинг Бухоро филиалидан жами 16 нафар иштирокчилар ғолиб деб топилди, ва уларга қимматбаҳо совға, ғолиблиги учун Смартфон тақдим этилди. Яна бир бор институтимиз ғолиб талаба-ёшларини ва уларнинг ота-оналарини табриклаймиз. Кейинги ўқиш ва ишларда омад тилаймиз. Сиз ҳам иштирок этинг, кейинги ғолиб айнан сиз бўлишингиз мумкин.



Институт ёшлар иттифоқи БТ етакчиси ахбороти

Институт матбуот котиби Раҳимбой Жуманиёзов